



- * Бурҳонуддин ал-Марғинович тутган йўл
- * Илонлар сеҳрини тушунган сурхондарёлик морбоз
- * Энди машҳур "Титаник"ни ўзбек тилида кўриш мумкин
- * Ҳиндулар бразилияликлардан нимани талаб қиляпти?



Элим деб, юртим деб,  ёниб яшаш керак

ТУРКИСТОН

1925 йилдан чиқа
бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 22 Апрель Шанба.
№ 32 (14314)

МАРКАЗИЙ ОСИЁ: ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК

21 апрель куни Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожиқистон Президентларининг учрашуви давом этди.

Музокараларда минтақавий ҳамкорлик ва мамлакатлараро муносабатларга доир масалалар муҳокама қилинди. Бунда Президентларнинг диққат-эътиборини тортган асосий масала террорчилик, диний экстремизм ҳамда халқаро уюшган жиноятчиликка қарши кураш, минтақага таҳдид солаётган бошқа хавф-хатарларнинг олдини олишдаги ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўлди.

Музокаралар натижасида иккита ҳужжат имзоланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг Қўшма баёноти икки мамлакат ўртасидаги муносабатларга соя солиш учун сўнгги пайтларда атайлаб тарқатилаётган айрим асоссиз миш-мишларга чек қўйса, тўрт мамлакат раҳбарлари имзолаган террорчилик, сиёсий ва диний экстремизм, халқаро уюшган жиноятчиликка қарши кураш ва минтақа давлатларига таҳдид соладиган бошқа хавф-хатарнинг олдини олишга қаратилган ҳамкорлик тўғрисидаги битим ҳар қандай ташқи таъсирдан ягона фронт бўлиб ҳимояланишни кўзда тутди.

Тўрт томонлама битимнинг ўзига хос жиҳатлари шундаки, у ўта амалий аҳамиятга эга бўлиб, Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида хавфсизлик борасида бундай ҳужжат илгари қабул қилинмаган. Битим ташқаридан келадиган

хавфни бартараф этишда мамлакатларимизнинг куч-қудратини бирлаштириш, тезкор чоралар кўриш имкониятларини кенгайтиради. Президент Ислам Каримов учрашув сўнггида ўтказилган матбуот анжуманида ушбу ҳужжатнинг аҳамиятига тўхталар экан, унинг минтақамиз давлатларига террорчилик, уюшган жиноятчилик, наркобизнес, ақидапарастлик сингари офатлар таҳдид солиб турган ҳозирги шароитда бир ёқадан бош чиқариб иш кўришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

Маълумки, ҳозир Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида чегараларни делимитация қилиш, соддароқ айтганда, белгилаш жараёни бошланган. Шу масала билан шуғулланувчи икки томонлама комиссия аввал Остонада, кейин Тошкенда мажлис ўтказди. Иш рисоладагидек кетяпти. Бироқ сўнгги вақтларда Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида чегара масаласи бўйича келишмовчиликлар юзага келаятгани ҳақида асоссиз овозаю миш-мишлар пайдо бўла бошлади. Президентлар - Ислам Каримов ва Нурсултон Назарбоевнинг Қўшма баёноти ана шундай ифвогарлик ўйинларини уюштирувчи кучларга қарши жиддий зарба бўлди ва ҳар хил миш-мишларга чек қўйди. Матбуот анжуманида таъкидланганидек, Президентлар икки кун давомида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларга тааллуқли барча масалаларни кўриб чиқди ва энди Қўшма баёнот имзоланганидан кейин бундай гапларга умуман ўрин қолмади.

(Давоми 2-бетда)

Биз соғлом авлодни тарбиялаб, вояга етказишимиз керак. Соғлом киши деганда фақат жисмоний соғломликни эмас, балки шарқона ахлоқ-одоб ва умумбашарий ғоялар руҳида камол топган инсонни тушунамиз.

Ислам КАРИМОВ



МАРКАЗИЙ ОСИЁ: ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК

(Давоми. Аввали 1-бетда)

Матбуот анжуманида, Ўзбекистон ва Қозоғистон фуқаролари ўзаро борди-келди қилиши учун энди виза олиши керак бўлармиш, қабилдаги гап-сўзлар шунчаки уйдирма эканлиги алоҳида таъкидланди. Мамлакатимиз Президентини Ислам Каримовнинг айтишича, бундай борди-келди учун ҳеч қандай виза талаб қилинмайди. Фақат, давлатлараро замонавий муносабатлар тамойилларига кўра, фуқаролар бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга ўтаётганда, чегарада паспорт текшируви ўтказилади. Мантиқан олиб қаралганда ҳам, бир давлатдан иккинчи давлатга ўтган фуқаро текширувдан ўтиши шарт. Бундай тадбир икки томонлама муносабатларга путур етказиши мумкин бўлган ҳолатларнинг олдини олишда ҳам қўл келади. Масалан, ўтган йили 16 феврал куни Тошкентда портлаш уюштирган террорчилар чегарадан бемалол ўтиб, Қозоғистонда яширишига уринган. Бунинг учун Қозоғистон томонини айблаб бўладими? Йўқ. Аксинча, қўшни мамлакат махсус хизматлари ходимларига жиноятчиларни ушлашда катта ёрдам кўрсатгани учун ташаккур айтиш керак. Лекин масаланинг бошқа жиҳати бор. Чегараларимизда аввалдан қатъий назорат бўлганда, террорчилар чиқиб кета олмасди.

Қозоғистон Президентини Ўзбекистон раҳбарининг чегарада назоратни кучайтириш борасидаги фикрини қўллаб-қувватлади. Энг муҳими, ҳар икки томон учун ҳам зарурат юзасидан кўриладиган бундай тадбирлардан ваҳимали шов-шув ясамаслик, уларнинг негиздан қандайдир сиёсий сабаблар қидирмаслик керак. Давр шуни талаб қиляптими, демак шундай йўл тутиш керак. Қолаверса, чегара масалалари жуда нозик иш бўлиб, бу борада, ҳатто яқдиллиги дунёга намуна сифатида кўрсатиладиган Европа Иттифоқида ҳам мукамалликка эришилмаган. Хабарларга кўра, мазкур иттифоққа аъзо айрим давлатлар Шенген битимидан чиқишни кўзлаб турибди. Бу визасиз борди-келдини бекор қилиш, деган гап.

Аслида, ҳамма гап хавфсизлик муаммоларига бориб тақалади. Қўшни Афғонистонда нотинчлик ҳукм сурар экан, аввало шу муаммони ечиш устида

ҳамкорликда бош қотириш керак. Афсуски, халқаро ҳамжамият Афғонистон муаммосига ҳамон жиддий эътибор бермаяпти. Тўғри, Президентимиз ташаббуси билан тузилган "6+2" гуруҳининг фаолияти изчил давом эттириляпти. Унга БМТ Хавфсизлик кенгашининг уч аъзоси - Россия, АҚШ ва Хитой қўшилган. Айни пайтда Франция билан Буюк Британия ҳам унга қўшилиш истагида. Қабул қилинган Тошкент декларацияси эса БМТнинг хужжати мақомини олмақда. Лекин амалда Афғонистондаги икки қарама-қарши кучга ташқи, аниқроғи ўзга мамлакатлардан ёрдам келишда давом этипти. Йўқса, матбуот анжуманида Тожикистон Президентини Имомали Раҳмонов таъкидлаганидек, қурол-яроғ заводида эга бўлмаган, қашшоқ мамлакат замонавий ҳарбий-техника, қурол-аслаҳа ва ўқ-дорини қаердан олади?

Афғонистон аллақачон наркотибизнес ва террорнинг уясига айланиб бўлган. У ерда гиёҳвандлик ўсимликлари етиштириладиган майдонлар ва уларни қайта ишловчи лабораториялар, кўпорувчилар тайёрлайдиган лагерлар мавжудлиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Ўша наркотик моддалар ва террорчилар дунёнинг исталган мамлакатига пайдо бўлиши мумкин. Демак, бу хавф фақат Афғонистоннинг қўшниларигагина эмас, бутун дунёга таҳдид солмоқда. Унинг олдини олиш учун эса жаҳон ҳамжамияти биргаликда чора-тадбирлар кўриши лозим.

Шундай қилиб, Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарларининг Тошкентдаги учрашуви ниҳоясига етди. Президент Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган бу тадбирни, ҳеч иккиланмай, тарихий учрашув, деб аташ мумкин. Зеро, унда имзоланган тўрт томонлама Битим мамлакатларимиз мустақиллиги, чегараларимиз даҳлсизлиги ва халқларимиз ҳаётининг осудалигини таъминлашга қаратилган жуда муҳим хужжатдир. Унинг шу кунгича минтақамизда ташқи хавфга қарши яратилган ягона ва мустақкам фронт ҳамда мудофаа соҳасидаги иттифоқчилик асоси, деб баҳо олгани бежиз эмас.

Анвар БОБОЕВ
(Ўза)

2000 йилнинг 20-21 апрелида Қозоғистон Республикаси Президенти Н.А.Назарбоевнинг Ўзбекистон Республикасига ишчи ташрифи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси Президентлари Ўзбекистон - Қозоғистон муносабатларининг долзарб масалаларини муҳокама этиб, ўзаро манфаатларига доир минтақавий ва халқаро муаммолар бўйича фикр алмашиб, қуйидаги баёнотни қабул қилдилар:

1. Давлатлар раҳбарлари 1998 йил 31 октябрда имзоланган Ўзбекистон Республи-

ликларини билдириб, уни тез орада яқунлаш тарафдори эканликларини таъкидладилар.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасидаги чегара икки давлат қардош халқларини бирлаштирувчи тинчлик, дўстлик ва яхши қўшничилик чегараси бўлиб қолишида яқдилдилар.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Қозоғистон Республикаси Президенти икки мамлакат халқлари фаровонлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон-Қозоғис-

тот муносабатларини янада чуқурлаштиришга бўлган ўзаро интилишни тасдиқладилар.

Улар мазкур ташриф доирасида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси Бош вазирлари ўринбосарлари бошчилигидаги Томонлар делегациялари учрашувлари натижаларидан қониқиш ҳосил қилганликларини билдирдилар.

Икки мамлакат ҳукуматларига аниқ қарорлар қабул қилиш мақсадида яқин орада ишчи музокараларини ўтказиш юклатилди.

5. Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси кўп томонлама ва икки томонлама шартномалар асосида йўловчи ва юк транспорти соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтирадилар ва ўз ҳудудларидан йўловчилар ва юклар, жумладан транзит ташвиш учун қулай шароитлар яратадилар.

6. Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси халқаро терроризм, диний ва сиёсий экстремизм, гиёҳванд моддалар, рухий

Республикасининг Терроризмга қарши кураш халқаро марказини ташкил этиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлайди.

7. Давлат раҳбарлари бўлиб ўтган мазмунли ва самарали музокаралар икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга унумли ҳисса қўшишини таъкидладилар.

Қозоғистон Республикаси Президенти Н.А.Назарбоев Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовга самимий ва очик кўнгилли қабул учун миннатдорлик билдирди ва Қозоғистон Республикасига расмий ташриф буюришни таклиф этди.

Таклиф миннатдорлик билан қабул қилинди. Ташриф мuddати дипломатик каналлар орқали келишилади.

Ўзбекистон
Республикаси
Президенти
И.А.КАРИМОВ

Қозоғистон
Республикаси
Президенти
Н.А.НАЗАРБОВ

Тошкент шаҳри, 2000 йил
21 апрел

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ва Қозоғистон Республикаси Президенти Н.А.Назарбоевнинг ҚЎШМА БАЁНОТИ

каси ва Қозоғистон Республикаси ўртасидаги абадий дўстлик шартномасига содиқ ҳолда, икки томонлама ҳамкорликнинг барча жабҳаларини янада чуқурлаштиришга бўлган ўзаро интилишни тасдиқладилар.

2. Давлат раҳбарлари икки давлатнинг мустақиллиги, суверенитети, ҳудудий яхлитлиги, чегаралар даҳлсизлигини хурмат қилиш, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик, тенг ҳуқуқчилик ва ўзаро манфаатдорлик тамойилларига содиқликларини таъкидладилар.

3. Томонлар икки мамлакат ўртасидаги давлат чегараларини белгилаш муҳимлигини қайд этдилар.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасидаги ҳуқуқий тамойилларга оид чегараларни белгилаш бўйича бошланган музокаралар мавжуд халқаро амалиётга мувофиқ адолатли ва омилкорлик, ўзаро тушуниш руҳида ўтиши лозимлигини таъкидладилар. Улар бу борадаги музокаралар жараёнидан қониқиш ҳосил қилган-

тон савдо-иқтисодий муносабатларни янада чуқурлаштиришга бўлган ўзаро интилишни тасдиқладилар.

Улар мазкур ташриф доирасида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси Бош вазирлари ўринбосарлари бошчилигидаги Томонлар делегациялари учрашувлари натижаларидан қониқиш ҳосил қилганликларини билдирдилар.

Икки мамлакат ҳукуматларига аниқ қарорлар қабул қилиш мақсадида яқин орада ишчи музокараларини ўтказиш юклатилди.

5. Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси кўп томонлама ва икки томонлама шартномалар асосида йўловчи ва юк транспорти соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтирадилар ва ўз ҳудудларидан йўловчилар ва юклар, жумладан транзит ташвиш учун қулай шароитлар яратадилар.

6. Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси халқаро терроризм, диний ва сиёсий экстремизм, гиёҳванд моддалар, рухий

Республикасининг Терроризмга қарши кураш халқаро марказини ташкил этиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлайди.

7. Давлат раҳбарлари бўлиб ўтган мазмунли ва самарали музокаралар икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга унумли ҳисса қўшишини таъкидладилар.

Қозоғистон Республикаси Президенти Н.А.Назарбоев Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовга самимий ва очик кўнгилли қабул учун миннатдорлик билдирди ва Қозоғистон Республикасига расмий ташриф буюришни таклиф этди.

Таклиф миннатдорлик билан қабул қилинди. Ташриф мuddати дипломатик каналлар орқали келишилади.

Ўзбекистон
Республикаси
Президенти
И.А.КАРИМОВ

Қозоғистон
Республикаси
Президенти
Н.А.НАЗАРБОВ

Тошкент шаҳри, 2000 йил
21 апрел

НАМАНГАН УНИВЕРСИДАДА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

24 майдан 1 июнгача биринчи Республика талабалар универсиадаси бўлиб ўтадиган Наманган шаҳрида талабалар спорт байрамини тайёрлаш ва ўтказиш бўйича ташкилий қўмитанинг кўчма мажлиси бўлди.

— Кўчма мажлис Наманган шаҳри ва вилоятидаги спорт объектларининг бўлажак универсиадага тайёрлигини текшириш мақсадида ўтказилди, - дейди ташкилий қўмита масъул котиби Эргаш Каримов. - Уларнинг кўпчилигида қайта қуриш ва таъмирлаш ишлари тўла ҳажмда олиб борилмоқда.

Универсиаданинг 1440 нафар иштирокчисини қабул қилишга мўлжалланган олимпия кишлони жойлаштириладиган "Чортоқ" ва "Гулшан" санаторияларида ободонлаштириш ишлари ниҳоясига етмоқда.

Наманган университети ва Наманган Муҳандислик институти спорт мажмуаларида катта ҳажмда ободонлаштириш ишлари

амалга оширилди.

Ташкилий қўмитанинг Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳамидулла Кароматов бошчилигида 11 апрелда ўтказилган мажлиси баённомасидаги кўпгина бандлар, хусусан, универсиада иштирокчиларини транспорт билан таъминлаш масаласи ҳал этилди. Бунинг учун "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси томонидан махсус жадвал тузилади.

Маданият вазирлигининг етакчи мутахассислари иштирокидаги махсус ишчи гуруҳи универсиадани очиш ва ёпиш сценарийси устида ишламоқда. Биринчи республика универсиадаси спорт тарихида нафақат юқори натижалари, балки юксак ташкилий ва маданий савияси билан ҳам муҳрланиб қолиши лозим.

(Ўза)

СИЗДА ҚАНДАЙ ҒОЯ БОР, ЁШЛАР?

Ортимизда мустақиллик эълон қилинганига тўққиз йил тўлапти. Ўтган давр мобайнида янги тафаккур, янги дунёқарашга эга бўлган ёшларнинг бутун бир авлоди етишиб чиқмоқда. Мустақиллик мафқурасида холи ўсаётган ўғил-қизларимизнинг кўнглида олам-олам орзу-ниятлар, энг беғубор ва покиза туйғулар жўш урмоқда. Истиқлол куёшидан нур эмган ғоялар изланиш иши билан яшаётган янги авлодга битмас-туганмас куч-қудрат бахш этаётди.

Айни пайтда кўнглида тўпланган фикрларни кимгадир айтиш эҳтиёжи тугилиши, табиий. Агар янги ғояларга ўз вақтида муносабат билдирилса, янада руҳланиб ишлашга, фикрлашга рағбат уйғонади.

Ана шуларни ҳисобга олиб, ёшларимизга мурожаат қиламиз: Президентимиз ташаббуси билан яратилаётган миллий мафкура тамойилларига қандай ишланмаларни тақлиф этасиз? Сизда миллий мафкурамизни бойитувчи қандай эътиборли фикрлар, амалий тақлифлар бор? Юртимиз камолини, эртанги кунимизни қандай тасаввур қиласиз?

Ўзбекистон Республикаси истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш "Улуғбек" жамғармаси ва "Маърифат" газетаси таъририяти ёш олимлар, ижодкорлар ўртасида «Миллий мафкура — халқимизни бирлаштирувчи куч-қанот» мавзусидаги энг яхши мақолалар республика кўрик-танловини ўтказди.

Танлов қатнашчилари ўз мақолаларини икки интервалда машинкаланган ва

бир босма табоқдан ошмаган ҳолда тақдим этишлари лозим. Мақолалар нуфузли ҳайъат аъзолари томонидан баҳоланади.

Танлов ғолибларига «Улуғбек» жамғармаси томонидан куйидаги пул мукофотлари (энг кам иш ҳақининг бугунги кўрсаткичи миқдорида) топширилади:

Битта биринчи ўрин — энг кам иш ҳақининг 30 баравари миқдорида;
Иккита иккинчи ўрин — ҳар бири энг кам иш ҳақининг 25 баравари миқдорида;
Учта учинчи ўрин — ҳар бири энг кам иш ҳақининг 20 баравари миқдорида.

Танлов ҳайъати томонидан ғолиб деб топилган истеъдод соҳиблари Мустақил-

лик байрами арафасида ўтказиладиган якуний тадбир — анжуманга тақлиф этиладилар.

Энг яхши мақолалар «Маърифат» газетаси саҳифаларида мунтазам бериб борилади, ғолибларнинг мақолалари махсус тўпламда чоп этилади.

Танловга бағишланган мақолаларни куйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз:

700027. Тошкент шаҳри, Фуркат кўчаси, 1-уй, "Миллий мафкура — халқимизни бирлаштирувчи куч-қанот" танловига.
Маълумотлар учун телефонлар: 45-24-57; 45-23-48; 45-96-96.

Ўзбекистон Республикаси истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш "Улуғбек" жамғармаси томонидан ёш олимлар ва ижодкорлар ўртасида "Миллий мафкура — халқимизни бирлаштирувчи куч-қанот" мавзусидаги республика кўрик-танловини ўтказиш низоми

I. Умумий қоидалар

Мустақилликни мустаҳкамлаш зарурияти миллий мафқурани яратиш ва ҳаётга татбиқ этиш каби янги вазифани қўймоқда. Шу боис, миллатни янги сифат босқичига кўтариш миллий тарихийликнинг устивор вазифаларидан бирига айланди. Президент Ислам Каримов асарларида ва 2000 йил 6 апрель куни Оқсарой қароргоҳида ўтказилган йиғилишда белгилаб берилган вазифалар миллий мафқуранинг ўта долзарб масала эканлигини кўрсатади. Чунки жамият мафқурасиз яшай олмайди ва ўзининг кўзлаган мақсадларига эриша олмайди. Мафкура ўз моҳияти, мақсади ва ҳаракат йўналишлари билан жамиятнинг бош ғоясига хизмат қилади, уни рўёбга чиқаради. Миллат маънавиятининг баркамоллиги ва унинг ҳаётбахш қудрати миллий мафқуранинг таъсирчанлигини оширади. Миллий истиқлол мафқураси халқимизнинг азалий аъваналарига, удумларига, тилига, руҳиятига, диний қадриятларига асосланиб, келажакка бўлган ишонч туйғуларимизни тарбиялайди. Мафкура дунёқарашнинг асосини ташкил этиб, жамият ва миллат ривожланишидаги етакчи ғояларни ўзида мутасаммад элади. Шу ғоялар инсонлар фаолиятига, орзу-интилишларига, истиқбол йўлига аниқ йўналишлар беради. Жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий соҳаларда барқарор ривожланишини ғоявий жиҳатдан таъминлайди. Бу улғувор ғояларни, миллий мафкура-

ни одамлар онгида қарор топтириш давр эҳтиёжи ва талабидир. Шуни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси "Улуғбек" жамғармаси ва «Маърифат» газетаси таъририяти миллий мафкура концепциясини яратиш устида олиб бориладиган изланишларга ўз ҳиссасини қўшиш мақсадида республика ёш олимлари ва ижодкорларнинг кўрик-танловини ўтказди.

II. Танловнинг мақсад ва вазифалари

Мамлакатимиздаги ёш олимлар ва ижодкорларнинг миллатимиз тараққиётини таъминлашга қаратилган миллий мафкура борасидаги энг илғор ғоялари ва фикрлари билан халқимизни баҳраманд этиш ва уни рағбатлантириш — республика кўрик-танловининг асосий мақсади.

Танловнинг вазифалари:

— яратилаётган миллий мафкура концепциясига илмий ишланмалар тақдим этиш;

— миллий мафқурани тарғиб қилиш механизминини яратишга ёш, истеъдодли кўчларни кенг жалб қилиш;

— жамиятда миллий мафқурани шакллантириш ва ўсиб келаётган ёш авлодни камил инсон сифатида тарбиялаш ишига ҳисса қўшиш;

— ёш истеъдодли олимлар ва ижодкорларнинг эркин фикрлар асосида қурилган интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг миллий мафкура тўғрисидаги тақлифларини ўрганиш;

— истеъдодли ёшларнинг ижодий фикрлар кўникмаларини рағбатлантириш ва интеллектуал салоҳиятларини Ватан равнақи йўлидаги эзгу ишларга йўналтириш;

— ёш, истеъдодли олим ва ижодкорларни халқимиз мафқурасини ислох қилишга бевосита сафарбар қилишдир.

III. Танловни ўтказиш тартиби

3.1 Республика кўрик-танловини ёш 35 дан ошмаган ёш олимлар ва ижодкорлар иштирок этадилар.

3.2 Танловни тайёрлаш ва ўтказиш жараёни 5 кишидан иборат ташкилий қўмита томонидан амалга оширилади.

3.3 Танлов иштирокчилари ўз илмий мақолаларини икки интервалда машинкаланган ва бир босма табоқдан ошмаган ҳолда жорий йилнинг 20 августига қадар "Улуғбек" жамғармаси бошқаруви қошида ташкил этиладиган ишчи гуруҳга тақдим қиладилар ва илмий мақолалар нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан кўриб чиқилиб, баҳоланади.

3.4 Танлов ғолиблари бўлган ёш олимлар ва ижодкорлар «Улуғбек» жамғармаси томонидан куйидагича рағбатлантириладилар:

битта биринчи ўрин — энг кам иш ҳақининг 30 баравари миқдорида;

иккита иккинчи ўрин — ҳар бири энг кам иш ҳақининг 25 баравари миқдорида;

учта учинчи ўрин — ҳар бири энг кам иш ҳақининг 20 баравари миқдорида.

3.5 Танловда ғолиб деб топилган истеъдод соҳиблари Мустақиллик байрами арафасида ўтказиладиган республика илмий анжуманига тақлиф қилинадилар.

3.6 Танлов ғолибларининг илмий мақолалари "Улуғбек" жам-

ғармаси томонидан нашр этиладиган тўпламда чоп этилади.

IV. Танловга тақдим этиладиган мақолалар мазмунини баҳолашга қўйиладиган талаблар

Танловга тақдим этиладиган илмий мақолалар 10 балли тизим асосида баҳоланади:

— илмий мақоланинг аниқ ва раво тилда, тушунарли илмий таҳлиллар асосида баён этилиши ҳамда зарурий илмий хулосаларнинг янгилиги, муҳимлиги ва долзарблиги ўз ифодасини топиши;

— миллий ғоя ва миллий мафқуранинг асосий мазмуни ва уни давр талаблари даражасида бойитиш йўллари илмий асосда ёритиб берилиши;

— миллий мафқурани шакллантириш ва ҳаётга татбиқ этиш тамойилларининг акс эттирилиши ҳамда бу борада аниқ тақлифларнинг кўрсатилиши;

— миллий ғоя асосларининг тарихан таркиб топиши ва унинг жамиятдаги таъсирчанлигини ошириш борасидаги аниқ ҳаётий тажрибаларга асосланган ҳамда илмийликка таянган эркин фикр ва мушоҳадаларнинг мавжудлиги;

— миллий мафкура ва миллий ғоя тушунчаларини тавсифлашда ва ёритишда Президент И.А.Каримов асарлари ва бошқа адабиётлардан фойдаланишга эътиборнинг қаратилганлиги.

V. Республика танловига қўйиладиган мавзулар йўналиши

1. Миллий мафқуранинг моҳияти, мақсади ва ҳаракат йўналишлари.

2. Миллий мафқуранинг тарихий илдизлари.

3. Ўзбек характери ўтмишда ва ҳозир.

4. Жаҳидларнинг миллий мафқураси.

5. Миллий истиқлол мафқурасини ҳаётга татбиқ этиш йўллари.

6. Миллатни жипслаштирувчи улғувор ғоялар.

7. Истиқлол мафқураси ва миллий маънавиятнинг ўзаро уйғунлиги.

8. Тафаккурнинг янгиланиши: муаммо ва ечимлар.

9. Камил инсон — устувор ғоя.

10. Истиқлол ғояларининг амалиётини таъминлаш усуллари ва воситалари.

11. Миллий мафқурани амалга ошириш тизими.

12. Таълим тизимларида миллий ғояни шакллантириш тажрибалари ва муаммолари.

13. Миллий ғояни шакллантиришда тарбиянинг ўрни.

14. Ёшларни миллий мафкура руҳида тарбиялашнинг илмий педагогик асослари.

15. Миллатни бирлаштиришда давлат ва жамоатчилик ташкилотларининг вазифалари.

16. Ёшлар ва миллий мафкура.

17. Мафқуравий таҳдидлар ва уларга қарши кураш йўллари.

18. Миллий тарбия — миллатни бирлаштирувчи маърифий тизим.

19. Миллий мафкура ва тил.

20. Ўзбеклар ва жаҳон.

21. Диний ақидапарастлик ва унинг Ўзбекистонга солаётган таҳдиди.

22. "Мафқураси мустаҳкам Ўзбекистон халқи" тушунчасининг илмий талқини ва таъминоти.

Ўтаётган ҳафтада Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" жамғармаси тўрт ёшга тўлди. Хўш, жамғарма ўтган давр мобайнида қандай ишларни амалга оширишга улғурди ва жамғарманинг келгусидаги режалари нималардан иборат?

1996 йил 12 апрель ёшлар ҳаётида қувончли кун бўлди, десак янглишмаймиз. Чунки бу кунда республикамиз Президенти

Фармонида асосан Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" жамғармаси ташкил қилинди. Шу кундан бошлаб жамғарма ўз-ўзини мустақил бошқарувчи, маблағ билан таъминловчи ва мустақил фаолият юритувчи ноҳукумат жамоат бирлашмаси сифатида иш юрита бошлади. Жамғарма ёш авлодни ҳар томонлама камол топиши, юксак маънавиятли, ватанпарвар, чуқур билим соҳибла-

эга бўлиб, ҳозирги вақтда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, Барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 14 та туман, шаҳарларда 250 дан ортиқ бўлимлари, ўқув юртлари, муассасалар, ташкилотларда 16800 дан ортиқ жамоатчилик марказлари ишлаб турибди. "Сиз қонунни биласизми?", "Сиз тарихни биласизми?", "Ўзбекистон азиз Ватаним", "Кўноқлар ва зукколар", "Ҳамшира"

восита иштирок этдилар.

Шу йилнинг 10 апрель куни "Камолот"чилар ўзларининг тўрт йиллик меҳнатларини сарҳисоб қилдилар. Бу тадбирда жамғармани барча вилоят, шаҳар, туман бўлимлари ва жамоатчилик марказлари вакиллари, турли вазирлик ва ҳукумат идоралари ходимлари иштирок этдилар. Албатта жамғарма бугунгача барча қатламларига етиб борди деган фикрдан йироқмиз. Лекин унинг асл мақсади ўзининг янги дастурлари орқали ёшларнинг кундалик турмуш ташвишлари билан ўралашиб қолган, дунёқараш тор, маънавий-маърифий тарғибот, спорт-соғломлаштириш ўчоқларида фаол иштирок этмайдиган қатламларига кириб боришга ҳаракат қилмоқда. Қишлоқ ёшларига етарли иш-жойларини яратиш, илм-фанда юқори кўрсаткичларга эришаётган иқтидорли ўқувчи-талабаларга моддий, маънавий кўмак бериш. Бугун юртимизда жамғармалар кўп. Аммо "Камолот" ўшалар ичида кўпроқ ёшлар қалбидан ўрин олаётганлиги қувонарлидир.

А.МАГДИЕВ

ҲАМШИРА ТАНЛОВИ

"Камолот" жамғармаси туман бўлими ҳамда Булунғур туман марказий шифохонаси ташаббуси билан "Ҳамшира-2000" кўрик-танлови туман маданият уйида бўлиб ўтди. Бунда шифохона ҳамшираларидан Шоҳида Эргашева, Дилфуза Фафорова, Зарифа Ҳолматова, Насиба Сафарова ҳамда Ноила Бобоқулвалар иштирок этишди. Қизлар саҳнада нафақат ўз касб-маҳоратларини, балки танловда қўйилган турли шартлар бўйича синалдилар.

Кескин ўтган танловда шифохона юқумли касалликлар бўлими моҳир ҳамшираси Ноила Бобоқуллова ғолиб деб топилди, вилоят биринчилигига йўлланма ни қўлга киритди. 2-ўрин Дилфуза Фафоровага, 3-ўрин эса Шоҳида Эргашевага насиб этди. Ғолибларга "Камолот" жамғармасининг совгалари топширилди.

А. ЙЎЛДОШЕВ

"КАМОЛОТ" ЎЗ ТҲҲИНИ НИШОНЛАДИ



ри қилиб тарбиялашни ўз олдида мақсад қилиб олди. Ўтган қисқа вақт мобайнида жамғарма ўзининг кўзлаган режаларини амалга ошира олди десак, муболаға бўлмайди. Жамғарма ўзининг куйи тизимларига

кўрик-танлови, "Шунқорлар" ҳарбий спорт мусобақалари, "Универсиада" спартакиадаси, бир неча спорт турлари бўйича "Камолот" кубоги турнирлари бугунги кунда ёшларнинг сеvimли машғулотларига айланган.

Ўтган давр ичида жамғарма томонидан ташкил қилиниб ўтказилиб келинаётган танлов, мусобақа ва бир қатор тадбирларда 4,5 миллиондан ортиқ ёшлар бе-

Мустақиллигимиз шарофати билан узок ўтмишда яшаб, жаҳон илм-фани ва маданияти равнақи-га салмоқли ҳисса қўшган алломаларимизнинг таваллуд саналари нишонланиб, уларнинг ҳаёти ва маънавий мерослари ҳар томонлама чуқур ўрганилмоқда.

Ўтган саккиз йил ичида қанчадан-қанча аждодларимизнинг табаррук номлари тикланди. Илмий мерослари кенг халқ оммасининг маънавий мулкига айланди.

Бевосита Юртбошимизнинг ташаббуслари билан бу йил ватандошимиз Бурҳонуддин ал-Марғи-ноний таваллудининг нишонланиши ҳам фикримиз далилидир.

Буюк аждодимиз, ислом ҳуқуқшунослиги-фиқҳ соҳасида беқиёс илм соҳиби Бурҳонуд-дин ал-Марғиноний ҳазратлари Фарғона водийсининг Риштон ноҳиясида дунёга келган бўлиб, ул зотнинг асли исми Али ибн Абу Бакр ибн Абдулжалил ал-Фарғоний ар-Риштоний ал-Марғинонийдир. Бурҳон уд-Дин (ислом динининг исботи, ҳуж-жати) деган ном эса ўша давр-да энг кўзга кўринган аллома-

ганлар. Аллома 593/1197 йили зил-ҳижжа ойининг 14 куни се-шанбада вафот этганлар ва Самарқанддаги Чокардиза қаб-ристонидан дафн этилган.

Аллома анча бой илмий ме-рос қолдирган. Бизгача етиб келган асарларидан "Мухторот мажмаъ ун-навозил" ("Нозил бўлган нарсаларнинг танлан-ганлари тўплами"), "Китоб ут-тажнис" ("Мувофиқлаштириш китоби"), "Китоб ул-мазид"

нинг ҳошияларида шарҳлар бор. Бу асарнинг қатор қўлёзма нус-халари юртимиздаги ва хориж-даги қўлёзма хазиналарида сақ-ланмоқда. Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик инсти-тути қўлёзмалар хазинасида ҳам асарнинг бир неча ўн қўлёзма нусхалари сақланмоқда. Жумла-дан ҳозиргача бизга маълум бўлган энг қадимий қўлёзма нус-хаси ҳам айнан шу хазинада сақ-

БУРҲОНУДДИН АЛ-МАРҒИНОНИЙ

ларга бериладиган шарафли ном ҳисобланган. Шу сабабли у киши кўпроқ Бурҳонуддин ал-Марғиноний номи билан маш-хурдир.

Бурҳонуддин ал-Марғиноний 511/1118 йилнинг ражаб ойи саккизинчи куни кечга яқин Фарғонанинг Риштон ноҳиясида дунёга келган. У зотнинг бола-лиги ва ўсмирлик даври ҳақида батафсил маълумотлар бўлма-сада, у киши ўқимишли ва зиё-ли одамлар авлодидан эканли-ги ҳақида манбалар гувоҳлик беради. Дастлабки таълимни туғилган юрти Марғилонда олди. Ёшлик пайтидаёқ Куръо-ни каримни ёд олиб, ҳадис илмидан мукаммал таълим ол-ган. Кейинчалик ўша даврда Моварауннаҳр диний, илмий, маърифий марказларидан бири Самарқандга кўчиб бориб, ўша ерда истиқомат қилиб илмий фаолиятини олиб борган.

Алломанинг устозлари ҳақидаги маълумотлар у зот-нинг ўз қаламига мансуб "Ки-тоб ул-машоих" асарларида келтирилади. Бу асарда алло-манинг ўзи бевосита ёки бил-восита таълим олган қирқдан ортиқ шайхларнинг номлари зикр қилинган. Бу рўйхатда На-жмуддин Абу Хафс Умар ан-Насафий, Хисом уд-дин Умар ибн Абдулазиз Абу ал-Асир ал-Байзовий, Абу Ёқуб ас-Саярий ва бошқа шайхларнинг исмла-ри бор.

Бурҳонуддин ал-Марғиноний 544/1149 йили муборак Ҳаж сафарига бориб қайтганлар ва 573/1178 йилда машхур "Ал-Ҳидоя" асарини ёза бошла-

("Илми зиёда қилувчи ки-тоб"), "Китоб ул-фароиз" ("Фар-злар китоби"), "Китоб ул-мун-таҳий" ("Танланган китоб"), "Би-доят ал-мубтади" ("Бошловчи-лар учун бошланғич таълим"), "Кифоят ал-мунтаҳий" ("Яқун-ловчилар учун тугал таълим"), "Маносик ал-Ҳаж" ("Ҳаж маро-симлари"), "Ал-Ҳидоя" ("Тўғри йўлга кўрсатма") ва бошқа қатор асарлари маълум.

Ҳазрат Бурҳонуддин ал-Ма-рғиноний илмга фидойилик ва тақводорликда асрлар оша ин-сонларга ибрат бўла оладиган даражадаги аллома эди. У зот ўзининг машхур "Ал-Ҳидоя" аса-рини ўн уч йил давомида ёзар экан, тарихчи Муҳаммад Абду-лхай Лакнавийнинг хабар бери-шича, шу муддат давомида рўзадор ҳолида бўлган. Бундан ташқари аллома ўзининг шижо-ати ва чуқур тақвосини ўзга-ларга кўз-кўз қилмай, аксинча ўзгалардан пинҳон тутган. Ма-салан, у кишига овқат олиб кел-ганларида уни қайтариб юбор-мас, балки олиб қолар, сўнгра талабаларга бериб едирар, қай-та идишини олиб кетгани кел-ганларида индамай бўш коса-ни қайтариб берар эди. Шу та-риқа атрофдагилар алломанинг рўзадор эканидан хабар топма-ганлар.

"Ал-Ҳидоя" асари ёзиб би-тирилгандан кейин у билан би-ринчи бўлиб Шамс ул-аймма ал-Кардарий танишиб чиққан эди. Замона алломалари бу асарга жуда катта қизиқиш из-ҳор этиб, қатор-қатор шарҳлар битганлар. Шу сабабли "Ал-Ҳидоя" нинг деярли барча қўлёзма ва босма нусхалари-

ланмоқда.

Алломанинг фиқҳ илмида тут-ган ўрнини аниқроқ тасаввур қилиш учун ислом ҳуқуқшуносли-гида фақиҳларнинг даражалари-га эътибор берсак. Ҳанафий ма-зҳаби фақиҳлари беш тоифага бўлинади. Биринчи тоифага ма-зҳаб мужтаҳидлари киритилади. Бу тоифа алломалари Абу Ҳанифа ишлаб чиққан тамойил-лар асосида янги ҳуқуқий маса-лалар, қоидалар чиқара олади-ган даражадаги олимлардир. Унга имом Абу Юсуф ва имом Муҳаммад каби фақиҳлар кири-тилади. Иккинчи тоифага мазҳ-аб асосчиси томонидан ҳукм чиқарилмаган масалаларга ҳукм чиқара оладиган даражадаги ал-Хассоф, ат-Таховий, ал-Кархий, ас-Сарахсий, ал-Хилвоний каби алломалар киритилади. Учинчи тоифага фикхий қоида ва ҳукм-ларни шарҳлаб тушунтириб бера оладиган, ноаниқ ўринларига аниқлик киритишга қодир бўлган фақиҳлар киритилади ва улар ижтиҳод қилишга қодир бўлган алломалардир. Тўртинчи тоифа уламоларини "асҳоб ат-таржих" деб аталади ва улар фикхий масалалар ҳукмлари ичида аф-залини танлай оладиган дара-жадаги алломалардир. Бу тои-фага имом ал-Кудурий ва имом Бурҳонуддин ал-Марғиноний каби фақиҳлар киритилади. Бе-шинчи тоифадаги уламолар эса кучли ва кучсиз, тўғри ва нотў-ғри, маъқул ва номмаъқул ҳукмла-ри тушуна оладиган даражада-ги алломалардир. Тарихчи Абу Фирас ал-Фассаний Бурҳонуд-дин ал-Марғинонийни далил-ларни таҳлил этишда, янги ҳукмларни чиқаришда бетак-

рор иқтидор эгаси ва шу са-бабли ҳеч бўлмаганда мазҳаб муштаҳиди даражасидаги ал-лома деб баҳолаган эди.

Алломанинг яна бир хусуси-ятлари у кишининг ниҳоятда камтар инсон бўлганлигидир. Масалан, асарларида у зот ўзлари ҳақларида сўз юритган ўринларида "Заиф банда (Аллох уни кечирсин) шундай деди" шаклида зикр этадилар. Аллома вафотларидан кейин у кишининг шогирдлари асар-ларидаги шундай ўринларини "У зот (Аллох у кишидан рози бўлсин) бундай деди" шакли-га ўзгартириб қўйганлар.

Бурҳонуддин ал-Марғи-нонийнинг баён услубида

ҳам ўзига хослик кўзга ташла-ниб туради. Бурҳонуддин ал-Марғиноний камтарлик билан дастлаб ўзгаларнинг фикр ва дилларини зикр қилиб сўнгра ўзи танлаган далил ва асос-ларни келтиради. Шу тариқа энг охириги сўз муаллиф ҳуло-саси бўлиб қолаверади.

Алломанинг энг машхур асари "Ал-Ҳидоя" бир неча аср давомида бутун ислом олами-да бетакрор қўлланма сифати-да эъзозланиб келмоқда. У икки жилд ва тўрт жуздан иборат. Ҳар бир жуз ўз навба-тида китоб, боб ва фаслларга бўлинади.

Бу асар муслмон мамла-катларида, жумладан, Марка-зий Осиёда ҳам ислом ҳуқуқи назарияси ва амалиётига оид асосий қўлланма ҳисобланган. Ўзбекистон ФА Шарқшунос-лик институти қўлёзмалар ха-зинасида сақланаётган "Ал-Ҳидоя" нинг қўлёзма нусхала-ри ичида Моварауннаҳрнинг турли шаҳарларида, Миср, Афғонистон, Қашғар, Ҳиндис-тон ва бошқа мамлакатларда кўчирилган нусхалари бор. Бу асарнинг қўлёзма нусхалари Германия, Туркия, Россия, Ан-глия, Франция каби мамлакат-лар қўлёзма хазиналарида ҳам сақланаётир.

Асар аслида араб тилида ёзилган бўлиб, кейинчалик форс, инглиз ва рус тиллари-га таржима қилинган.

Одилжон ҚОРИЕВ,
ЎЗР ФА Шарқшунослик
институти илмий
ходими

"МУРОД" ХОРИЖГА ЧИҚМОҚЧИ

Нурота туманидаги "Му-род" кичик корхонаси Итали-янинг фирмалари билан қўшма корхона тузиш бўйича ҳужжатларни имзолади. Ке-лишувга бинон корхонада қиймати 2 миллион 300 минг АҚШ долларига тенг янги технология ва ускуна ўрнати-лади ва тумanning чорвачи-лик хўжаликларидан етиштири-лаётган қорақўл ҳамда мол терилари қайта ишланиб, турли чарм маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Қўшма корхона маҳсулотини асосан хорижга экспорт қилиш ре-жалаштирилган.

Ёркул УМАР,
ЎЗА мухбири

Оролбўйига тиббий ёрдам

"Соғлом авлод учун" жамғ-армаси ва "Ўзбекистон темир йўллари" ҳиссадорлик кампа-нияси ташаббуси билан таш-кил қилинган махсус поезд шифокорлари Оролбўйи экологик офат зонасидаги аҳолини, биринчи навбатда болаларни тиббий кўриқдан ўткази бошлади. Энг замо-навий тиббий асбоб-ускуна-лардан фойдаланиб, аниқ та-шхис қўйилган беморларга Нукус ва Тошкент касалхона-ларига йўлланмалар берилляп-ти.

"Соғлом авлод" йилида Оролбўйи болалари сало-матлигини муҳофаза қилиш учун ёрдамга келган мазкур поезд шифокорлари барча зарур дори-дармонлар билан тўлиқ таъминланган.

А. ИСКАНДАРОВ,
ЎЗА мухбири

МОДЕРН — АДАБИЁТГА БЕГОНА ЭМАС

Орзубону ЮСУПОВА — Самарқанд Давлат университетининг ўзбек фи-лологияси факультети талабаси. Айни пайтда Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Алишер Навоий номидаги давлат стипендианти.

ОРЗУБОНУ ҲИКОЯСИДАН:

— Ота-онам адабиёт ихлосмандлари. Шеърятга, ўзбек ва жаҳон адабиётига қизиқиш улардан менинг қонимга ўтган. Айниқса, устозим Аҳмад Фаниевнинг со-ҳамни ўрганишда қилган хизматлари катта...

— **Навоий стипендиясини олиш ҳар бир илм толиблари учун фахр-ли. Унга эришиш осон бўлмагандир?**

— Албатта. Биласизми, бобокалони-миз Алишер Навоийсиз ўзбек адаби-ётини тасаввур қилишимиз қийин. Унинг руҳи барча адабиётшуносларга, шеърят мухлисларига доим ҳамроҳ.

Навоий газалисиз кунимни тасаввур қилолмайман. Ҳазрат ўша пайтда ҳам ўз давридаёқ ёшларнинг билимга таш-на бўлишини, туркий тилнинг қадр то-пишини жуда истаганлар. Бугун бобо-мизнинг ҳамма орзулари рўёбга чиқ-ди. Ёшлар ўқияпти, изланыпти. Мен ҳам ана шундай зукко тенгдошларим ора-сида яшаётганимдан фахрланаман.

— **Эшитишимизча, номзодлик ди-сертация ишини бошлаб юборган экансиз? Бу талаба учун қийин эмас-ми?**

— Бугуннинг талабаси доим олдинга интилиши керак. Агар орқада қолдими, тараққийдандан, янгиликдан ютқазади. Шунинг учун ҳам, илм олиш ёшга қара-майди. Илмнинг имконияти чексиз. Фақат, ундан тўғри ва оқилона фойда-ланиш керак.

— **Мавзуингиз ҳақида ҳам тўхта-либ ўтсангиз?**

— Мавзуим: "Мо-дерн адабиёти ти-лини ўрганиш". Маълумки, адабиёт-даги бу усулга ҳалигача бир ёкла-ма муносабатда бўлиб келинди. Би-роқ адабий муҳит ижтимоий ҳодиса-лигини ёддан кўтармаслик зарур. Ҳар бир давр, тузум ўзининг дунёқарашидан, ғоявий-адабий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда хо-ҳиш-истакларини бадиий таҳлил этади. Шу нуқтаи назардан қаралганда модерн адабиётининг мазмун-моҳияти кўп қир-рала. Айни пайтда модерн адабиётини — яъни модернистик услубда қалам теб-ратадиган ёзувчилар қаторига Назар Эшонқулни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.



БИВ ПРЕЗИДЕНТ ФАРИДОН ҚОРИЕВ

— **Тенгдошларингизга тилақла-рингиз.**

— Тенгдошларимнинг юрагида ўти бор. Бу ўт ҳеч қачон сўнмасин. Ўз усти-ларида кўпроқ ишлаб, танлаган соҳа-ларини чуқур ўрганишларини хоҳлар-дим.

Каримжон СОАТОВ
сўхбатлашди

22 апрель – Халқаро Ер куни

Ер сайёраси бани башариятнинг умумий хонадони ҳисобланади. Инсонларнинг фаровонлиги ўзи яшаб турган муҳитнинг тозаллиги, тупроқ унумдорлиги, ҳайвонот ва ўсимликлар оламининг бойлиги билан чамбарчас боғлиқ. Атроф-муҳит софлигини сақлаш бутун инсоният олдида турган асосий вазифа ҳисобланади. Яшаб турган заманимизни, унинг ранг-баранглиги ва бетакорлигини асраш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Ўтиб бораётган юз йилликда инсоният ўзининг ўткинчи манфаатлари учун табиатни бўйсундиришга ҳаракат қилди. Лекин у бугун фақат табиат билан уйғунлик-

нинг эътиборини тортиб, 1994 йилда у яна кун тартибига қўйилди. Ва ниҳоят, 1995 йилда жаҳоннинг бир қатор нуфузли ташкилотлари ташаббуси ёрдамида Ер декларациясини ишлаш юзасидан халқаро лойиҳа очилди.

Ишлар уч босқичда давом эттирилди. Дастлабки босқичда Декларация лойиҳаси матни тайёрланди. Мазкур ҳужжат Ер декларациясини яратиш бўйича саъй-ҳаракатларини қисқача шарҳлаб, шунингдек, сиёсий ва ижтимоий соҳада Халқаро шартнома ва тамойиллар таҳлилини ўз ичига олди.

Иккинчи босқичда ушбу лойиҳа турли ижтимоий гуруҳлар, миллий ва халқаро миқёсда муҳокама қилинди. Ҳукуматлар

ОНА САЙЁРАМИЗНИ АСРАЙЛИК



да яшабгина тараққиётга эришиши мумкин эканлигини англади. Зеро, инсониятнинг табиатга аралашувининг фожеали оқибатларини эндиликда яққол кўриб турибмиз. Узоққа бормасдан, биргина Орол муаммосини олиб кўрайлик. Сувдан исрофгарчилик билан фойдаланиш атиги бир неча ўн йил ичида бутун бошли денгизнинг қуришига, экологик мувозанатнинг бузилишига олиб келди.

Бугунги кунда инсоният ўз тафаккурида туб ўзгаришлар қилишга, табиат қонунларига кўра, ўз фаолиятини чеклашга мажбур бўлаётир. Бу ўз навбатида инсоният дунёқарашини, иқтисодий ва ижтимоий тизимдаги кўпгина меъёрларни ўзгартиришни талаб қилади. Шу муносабат билан 1992 йилда Рио-де-Жанейрода БМТнинг атроф-муҳит ва тараққиёт анжумани ЮНЕСКО чақирилди. Бу анжуманда иштирок этган 140 давлат ва ҳукумат раҳбарлари инсоният ва табиат муносабатлари тамойиллари ишланмасини ўз ичига олган инсониятнинг барқарор тараққиётга эришиш бўйича ялпи режаси ("XXI асрга қақирлик") ни қўллаб-қувватладилар.

Айтиш керакки, бундан аввалроқ атроф-муҳитнинг ялпи ифлосланишидан, жаҳон аҳолиси турмуш тарзидаги фарқлардан, давом этаётган зиддиятлардан ташвишланган фан, маданият ахллари, жамоат ташкилотлари, диний арбоблар давлатлар ва инсонларнинг янги ахлоқий тамойилларини яратиш ташаббусини олға суришганди. Мазкур ҳужжат Рио-де-Жанейрода ўтказилган анжуманда кўриб чиқилди, аммо у маълум сабабларга кўра имзоланмади. Бу гоё турли мамлакат вакиллари-

экологик, диний, аёллар, ёшлар, нодавлат ташкилотлари Хартиясини тайёрлаш жараёнига жалб этилди. 1997 йилда Ер хартияси бўйича Халқаро Комиссия тузилди. Мазкур Комиссия томонидан "Учинчи минг йилликда Ер хартияси" шакллантирилиб, у жаҳоннинг 40 дан зиёд мамлакатда муҳокама этилди.

Ер хартияси ҳужжат сифатида мавжуд халқаро декларациялар, хартиялар ва битимларга суянади. Шунингдек, унинг сўнгги илмий кашфиётлар жаҳон динларининг ахлоқий тамойиллари, ялпи этика, атроф-муҳит ва тараққиёт этикаси бўйича дунё адабиёти асарларига асосланиши кўзда тутилади. Айтиш керакки, Ер кенгаши томонидан тақдим этилган Ер хартияси БМТ билан биргаликда шу йилнинг 16-18 апрель кунлари Нью-Йоркда муҳокама этилди. Эндиликда бу ноёб ҳужжат 2002 йилда БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилиниши лозим.

Ерни ва барча мавжудодни эъозлаш, тирик жонзодларга ғамхўрлик, эркин, адолатли, барқарор ва тинч ҳамжамиятларни яратиш ҳаракати, она-сайёраимизнинг бетакорор гўзаллиги ва бойликларини келгуси насллар учун асраб-авайлаш мазкур ҳужжатнинг умумий тамойилларини ташкил этади. Шунингдек, ушбу ҳужжатдан фундаментал экологик, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт, адолатли ва барқарор иқтисодий тараққиёт, демократия ва тинчлик тамойиллари ҳам ўрин олганки, инсоният учун буларнинг ҳар бири долзарб масалалар ҳисобланади.

"Туркистон-пресс"

УЧ УСТОЗ ТАЪЛИМИНИ ОЛГАН МУЛЛО ҚИЗ

— Айтишларича, Кибриёнинг саводи тили билан баробар чиққан. Эҳтимол, бу муболагадир. Лекин шу гапга ишонсак, биздан нима кетибди? Қизалоқнинг биринчи устози падарибузруквори Лутфулло Маҳдум эди. Отаси дин пешвоси бўлишига қарамай, қизалогим рус тилини мукамал ўргансин дея, Гулжамол исми татар олимани муаллималикка ёллади. Кейинчалик эса С.Айний бошчилигида адабий давраларда қатнашди, -деб ҳикоя қилди "Туркистон-пресс" мухбири билан суҳбатда

Инсон хотираси — муқаддас

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Неъмат Аминов. Шундай қилиб, баҳор кунларининг бирида соҳибжамол тожик қизи таниқли ўзбек ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор билан учрашиб қолди. Кибриёхоним ёзувчига Ҳофиз, Бедил, Саъдий, Жомий шеърларини форсча ўқиб, рус тилига таржима қилиб беради. Чунки ўшанда Абдулла Қаҳҳор тожикчани, у эса ўзбекчани яхши билмас эдилар. Ўз навбатида улар бир-бирларидан тил ўрганадилар. Кейинчалик ёзувчи "Кибриёхоним менга форс адабиётига дарча очиб берган", -дея эътироф этган эди.

... Ниҳоят, тўққиз ойдан кейин, "кўзлари-кўзларига" тушган кунни ҳисоблаб, 1945 йил 12 апрелда улар никоҳдан ўтишади. Ана шу кундан бошлаб унинг Абдулла Қаҳҳор билан ҳамнафаслиги

бошланди, шу санадан эътиборан Кибриёхоним Қаҳҳорова бўлиб, ўзбек адабиёти тарихига кирди.

— "Адабиёт тарихига кирди" ибораси кимларгадир эриш туюлмасмикан? — Кимларгадир эриш туюлар, лекин бу исботталаб қилмайдиган ҳақиқат, чунки "Абдулла Қаҳҳор замондошлари хотирасида" номли йигирма босма табоқли китобдаги эсдаликларни деярли тўқсон фоизда Кибриёхоним алоҳида хурмат ва эҳтиром билан тилга

олинади. Хотираларда кўпчилик аяни атоқли ёзувчининг умр йўлдоши, маслаҳатгўйи ва суянчиги сифатида таърифлайди-ю, унинг таржимонлиги, матншунослиги ҳақида лом-мим демайди. Холбуки, опа Серафимовичнинг "Темир оқим" романи таржима қилганидан сўнг Абдулла Қаҳҳор билан ҳамкорликда Гоголнинг "Ревизор" комедиясини, Л.Толстойнинг "Уруш ва Тинчлик" романи кейинги жилдларини ўзбек тилига ва бир қанча асар, ҳикоя, комедияларни ўзбекчадан тожик тилига ўргинган.

— Кибриёхоним учунчи устози — Абдулла Қаҳҳор ҳақида "Чорак аср ҳамнафас" деган хотиралар китобини чиқарди. Бу рисола адабиёт, муҳаббат ва садоқат ҳақида баҳс юритади, -деди пиروардида Неъмат Аминов.


"Туркистон-пресс"

Кино санъатининг бугунги мавқеи баланд. Айниқса, жаҳон киносига муҳлисларнинг қизиқиши тобора ортиб, киносевар халқларни бирлаштирамоқда.

Маълумки, илгари жаҳон киносидаги энг сара фильмлар рус тилига таржима қилинарди. Эндиликда эса бу

вобли ишга қўл урган киночилар клуби Ўзбекистон Республикаси Киночилар уйида 6 майдан бошлаб энг сара асарларнинг ўзбек тилидаги намоишларини бошлайди. Шу куни Америка кино академиясининг энг сара кино асарлари учун таъсис этилган "Оскар"

"ТИТАНИК" ЎЗБЕК ТИЛИДА




фильмлар ўзбек тилига таржима қилиниб, ўзбекистонлик кино муҳлислар ҳукмига ҳавола қилинади. Ана шундай са-

мукофотига сазовор бўлган режиссёр Жеймс Камероннинг "Титаник" фильми ёзувчи Тоғай Мурод таҳрири остида ўзбек тилида намоиш этилади.

7 май куни Голливуд юлдузларидан Жулия Робертс ва машҳур инглиз киноактёри Хью Грант суратга тушган "Ноттинг хилл" фильмининг намоиши бўлади. Ундаги енгил юмор, кўнгал дардлари, муҳаббат кишини бефарқ қолдирмайди.

Режиссёр Ренни Харменнинг "Тубсиз мовий денгиз" фантастик фильми 13 майда, Голливуд юлдузлари Жулия Робертс ва Ричард Гир иштирокидаги "Қочоқ келин", ҳамда "Оскар" мукофотига сазовар бўлган "Матрица" фильмларини муҳлислар 14 майда томоша қиладилар.



МОРБОЗ

У от устида ўтирган эди. Нимагадир қўйлар безовта бўла бошлади. Дилмурод ҳайрон қолди. Булар қандайдир хавфдан огоҳ этма-яптимики?

Йигитча шартта отдан тушди-да, атрофни кузата бошлади. Шу пайт нимадир оёғини узиб олгандек бўлди. У оғриқини зўридан жони

халқумига келгудек бўлиб инграб юборди. Қарасаки икки-уч қадам нарида бир илон ербағирлаб судралиб бораяпти.

Уни дарров шифохонага олиб келишди. Бу ерда анчамунча муолажа қилишди. Орадан тўрт кун ўтди. Лекин аҳволи баттар оғирлашди. Шифокорлар илон захрига

қарши даво топишолмади. Беморнинг оғайнилари ҳар тарафга зир югуришди.

— Қизириқ туманидаги "Кунчиқиш" жамоа хўжалигида Норбой морбоз (илон чаққан кишини оят ўқиб даволоччи) бор, шуни олиб келинглари. Бутун умид ўшандан, - дейишди беш-олти одам ўзаро маслаҳатлашгач.

Ёши элликлардан ошган морбоз шифохона палатасига кирдида, ҳакимлардан руҳсат сўраб, сеҳрли оятлар-

Дунё тилсимоти

ни ўқишга киришди. Дилмуроднинг оғзидан, бурнидан тинимсиз қон оқаётган эди. Морбоз учун асосийси шу эди.

Кечга яқин Дилмурод бутунлай ўзини енгил ҳис этди. Анғор туманидаги М.Азизов номли жамоа хўжалигида яшовчи 17 ёшли йигитча Дилмурод ярим кундаёқ морбознинг сирли оятлари таъсирида тузалди. Шифохонадан ўз оёғи билан уйга қайтди.

Жовли ХУШБОҚОВ



Хосият
РУСТАМОВА

ЧАҚМОҚ

Чакмоқдан ўрганса
бўлар яшашни,
Қандай яшамокни ўргатар чакмоқ.
Оловлар гумбураб ёради тошни,
Ва тоғлар бағрига солади титроқ...

Узоқ яшамайди...
Яшагани шу —
Мангулик расми бор оний чоғларда
Ҳар кимга эгилиб яшамайди у —
Чакмоққа...
Ҳавасда яшар тоғлар ҳам.

МОҒЛАР

Қанча кўтармайлик
бошларимизни —
Кўкка етмаслигин
билади тоғлар.

Қанча тирмашмайлик...
оёқларига—
етмасак...
бизлардан кулади тоғлар.

У бизни узоқдан кузатар
ғамгин,
Кўнглимизга солиб
турфа яшиллик.
У юсак бўлсада
Яшайди сокин —
Унда яшаб келар
Одамгарчилик.

Мен нима кўрибман
осмон олдида...
Мен осмонни кўрдим...
тиник, беғубор,
Юлдузлар гул сочиб турар бағрида.
Унинг кўзларида кўринмас кибор,
Мен нима кўрибман
Осмон олдида...

Соғинганда...
Бойчечакларни,
Менга баҳор бўласан ўзинг.
Менга тонгни асрамоқ бўлиб,

Кўнги́л муъжизаси

Бувижон... Дунёга севиб қарасам —
Сизни йўқлигингиз, турар билиниб.

Билиниб туради Сизнинг ўрнингиз,
Юрагимнинг ярим-кемтик жойида.
Баъзида ўзимга жой тополмайман —
Шодлик ва қувончинг кенг саройидан.

Бизни азиз тутиб...
Бизни гул тутиб,

ИККИМИЗНИ АСРАЙДИ БАҲОР

Мўрмулик
Тобора улгайиб бормоқда ёшинг,
Яшайсан кўксингни оловлар тилиб.
Энди юсакларга етганда бошинг
Заминдан илдизинг кетар узулиб.

ҒАҒИМ

Нега кўзларингиз отаётир ўқ,
Нега сўзларингиз захару,
Бирорта ўқингиз... тахир.
Мен Сиздан баландда яшайман
Кўлингиз мушт эрур...
Сиз шомда...
Ишонинг...
Ишонинг...
Мен эса тонгда юраман.
Сиз мендан анча пастдасиз,
Мен Сиздан баланд тураман.

Биз билан уйғонган
тонглар мусаффо,
Насимнинг шивири шабнам ёдида
Сочингни тараса тонгдаги сабо —

Қуролланиб олганми кўзинг...
Кўркув нима?!
Ёлғизлик нима?!
Қаҳратон қиш...
кор қилмайди қор.
Жоним, Бизнинг севгимиз ҳақи —
Иккимизни асрайди Баҳор.

Соғинганда маъсум гулларни —
Сенга баҳор бўламан ўзим.
Сени тундан асрамоқ учун,
Қуролланиб олган кўзларим.

Тун ўзини олиб қочади,
Биз иккимиз айтганда ашъор.
Жоним, бизнинг кўшиқлар ҳақи—
Сени.. Мени асрайди баҳор.

Соғинганда..
Бойчечакларни,
Менга баҳор бўласан ўзинг.
Менга тонгни асрамоқ бўлиб —
Қуролланиб олганми кўзинг...

Раҳматли бувим
Тўхтаҳон Улканбой
қизи хотирасига
Бугун етарлидир жамики нарсам,
Менга ҳамма бугун қарайди кулиб.

Асраб юрардингиз бешигимизни.
Бувижон, бизларни туш кўриб...
Тонгда —
Очиб кўярдингиз эшигингизни...
Мен Сизни кўрганда тортардим
маҳзун,
Йиғлардим... Бувижон юрагим билан.
Нега бувижоним... нега уззу кун —
Бизга асрадингиз кулчаларни ҳам.
Сиздаги меҳрни...
Сиздаги нурни —
Бувижон, ҳеч кимда кўрмадим қайтиб.
Қабрингизга қушлар йиғлаб бордим?!
Бордимиз биздаги соғинчни айтиб...

Дўст

Яна умримиздан кетди бир куни,
Нечун ўлим сари ошиқади кун.
Умрингга киролмай турибман сени,
Сен менинг умримга
кирмайсан, нечун?!
Ахир умр деган қисқа шундоғам,
Кунлар бир-бирини ўтади қувиб.
Шу кунлар тўкилиб,
Синиб турибман,
Ҳали сабр косам синмасдан туриб.

Мен оқ қорман, ёлмаган ҳали

СОҒИНДИМ

Осмонимда порлаган юлдуз,
Сенга боқиб, тунлар овуңдим.
Энг қутлуғ ёшимда кийиб тим ридо,
Видолар қасрида тонгни соғиндим.

Изларимни ҳовучлаб ётар,
Болалигим ўтган кўчалар.
Олис уфқдада йиғлаб тонг отар,
Менсиз яшар ғамнок кечалар.

Пойим теккан ҳар сиқим тупроқ,
Лаҳадим деб, менку овуңдим.
Қабр боши ёқут қизғалдоқ,
Отажоним, сизни соғиндим.

Осмонимда порлаган юлдуз,
Илк шеър ёзган чоғни соғиндим.
Мени чорлаб ойдин кечалар,
Достон айтган моҳни соғиндим.

Нигоҳлари йўлимда қотган,
Тош қалбимда меҳр уйғотган.
Ҳар топганда минг бор йўқотган,
Онажоним, сизни соғиндим.

Унутдим, мен сени унутдим, тамом,
Ўша тол қошида йиғладим узоқ.
Наҳотки? Бокира, ифатли бир қиз
Менинг юрагимга кўйганди тузоқ...

Пойимга ястанди алвон лолалар,
Соғинч кўзларимда ёш бўлиб тинди.
Тун гувоҳ, ой гувоҳ, гувоҳ далалар.
Мен сени ҳеч қачон кутмайман энди.

Мен сенга жуда ҳам ишонган эдим,
Мухтасар ғаддор ишқ қилди тантана.
Маҳзун қароғларинг қаршида лол,
Сўнги ишқ ипига тирмашиб мана
Мен сени унутдим, унутдим тамом!

МЕҶИҲТ "ЁР-ЁР" ИМ

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Ўлан бўлдим ёр-ёр.
Ишқинг билан гоҳ йиғлаб,
Кулар бўлдим ёр-ёр.
Осмон тўлиб, оққуш учса,
Овчи отар ёр-ёр.
Бўйгинамдан қай қиз кучса,
Совчи отар ёр-ёр,
Ҳали замон келар куёв,
Кутиб тургин ёр-ёр.
Соғинтирмай кўчамиздан
Ўтиб тургин, ёр-ёр.
Сандиқ тўла уйим-уйим—
Мато бўлсин ёр-ёр.
Мато эмас, мендан суюқ—
Хато бўлсин ёр-ёр.
Мендан суюқ, сендан буюқ,
Қодир Худо ёр-ёр.
Хатолардан улуг бир бахт—
Ато қилсин ёр-ёр.
Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Ўланчингман ёр-ёр.
Ой юзингга етолмаган,
Тиланчингман ёр-ёр.

СОҒИҲИ

Ойдин кеча, оппоқ фаришта,
Суратимга боқади ҳайрон.
Муҳаббатнинг даргоҳи кенг деб,
Тагин ўзи этади вайрон.
Кетмоқдаман, энди дардингни,
Ўшал қаро кўзларга сўзла.
Кунлар ўтиб, соғинсанг мени,
Ёр йиғлабон, йўллардан изла.
Кетмоқдаман, узр, севгилим,
Сени қўмсаб толиб кетяпман.
Тўй оқшоми тош юрагингдан,
Дардларимни, олиб кетяпман.
Тақдирнинг тор сўқмоқларида,
Видолашиб шодлигим ҳалак.
Ойдин тунда дил оҳларимда,
Илҳом олиб келгил, эй малак.

ОЛТИНСОЙЛИК ОЛТИН СОЧ...

Дарё кўрдим сувга зор,
Мен севгилим сенга зор.
Қирқ кокилинг қирқта бор,
Додим сенга етмайди...

Товонимга ботар тош,
Кўзларимда аччиқ ёш.
Борсам яна эгиб бош,
Аразингиз битмайди...

Тахтиравон тахтингни,
Соф муҳаббат аҳтингни.
Олтинсойлик олтин соч,
Оллоҳ берсин бахтингни!

Тортган азобим оҳ...дир,
Энди юрагим чоҳдир.
Кўп кўрдими шум тақдир,
Кўнги́л яра битмайди.

Тоғ бошида ёғар қор,
Олтин балдоқ осиб ёр.
Кўрсам дейман сўнги бор,
Кўчамиздан ўтмайди.

Тахтиравон тахтингни,
Соф муҳаббат аҳдингни.
Олтинсойлик олтин соч,
Оллоҳ берсин бахтингни...

СЕҲ ҚАЙТИБ КЕЛАСАН

Сен қайтиб келасан
Яна шунча йил,



Тагин шунча баҳор бизники бўлар.
Сен қайтиб келасан
Сочлари сунбул,
Заъфарон ёғдуга беланар йўллар...

Ўн саккиз ёшимнинг икки ҳилқати
Сарнигун қалбингга бошлайди ҳужум.
Сен қайтиб келасан
Кўнги́линг бекати
Менсиз ҳам лик тўла, нигоҳлар гавжум.

Сен қайтиб келасан
Тонгги шафақда
Ойнинг доғ юзлари буришиб кетар.
Сен қайтиб келасан
Юрагинг кемтик,
Иштибоҳ ёшлари ювилиб кетар.

Сен қайтиб келасан албатта бир кун.

Сайфулла ТОҒАЕВ,
Сурхондарё вилояти,
олтинсой тумани

МАКТАБЛАР КУНИ

Кўхна ва ҳамиша навқирон Бухоро ўзининг олим ва фозиллари, илм-фан арбоблари билан жаҳонга азалдан машхур. Шуниси қувонарлики, бугунги кунда ҳам бухоролик ёшлар фаннинг юксак чўққиларини забт этиш сари дадил қадамлар билан олға бормоқдалар. Шу ерда Ватанимиз келажак ҳисобланган ёш авлодга таълим-тарбия беришни яхшилашга, мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга катта эътибор берилмоқда. Вилоят ҳокимлигининг 1999 йил 27 декабрдаги 202-қарорига биноан ўтказилган Мактаблар куни бунинг ёрқин далилидир.

— Бу тадбирлардан кузатилган асосий мақсад Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ҳамда "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури"ни ҳаётга тадбиқ этиш, ёшларга билим ва тарбия бериш, ўқувчиларнинг пухта илм олишлари учун шарт-шароитлар яратишга эришишдан иборатдир, — деди "Туркистон-пресс" мухбири билан суҳбатда Бухоро шаҳар халқ таълими бўлими мудири Ориф Узоқов. — Мактабларнинг моддий-техника базасини тубдан яхшилаш учун вилоятдаги кўпгина корхоналар умумтаълим ўрта мактабларига ҳомий қилиб бириктирилди.

Бу кунда корхоналар раҳбарлари ўзларига бириктирилган илм ўчоқларига бориб, мактаб ҳаёти билан яқиндан танишадилар, бир ой ичида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинади. Ўқитувчиларнинг дарслари таҳлил этилади. Ота-оналар кўмитаси аъзолари билан суҳбатлар ўтказилади. Мактаблар кунининг якуни шаҳар-вилоят ҳокимларини ҳокимлик соатларида, вилоят ҳокими хузурида ташкил этилган мувофиқлаштирувчи кенгашда атрофлича таҳлил қилинади, келгуси ишларнинг чора-тадбирлари белгиланади. Ҳозирги кунга қадар шаҳар мактабларига ҳомий ташкилотлар томонидан 60 млн сўмга яқин моддий ёрдам кўрсатилди.

Мактаблар куни ҳар ойда аниқ режа асосида мақсадли қилиб ўтказилади. Утган давр мобайнида шаҳар мактабларида ошхоналар тўлиқ таъмирланиб, замонавий ҳолга кетирилди, мажлислар зали, маънавият-маърифат хоналари, спорт иншоотлари тўлиқ таъмирланяпти.

Яқинда Тошкент шаҳрида ўтказилган Ўқитувчилар Республика Олимпиадасида Бухоро вилояти ўқитувчилари энг кўп миқдорда дипломга сазовор бўлиб, республикада биринчи ўринни эгаллашди, барча кўрсаткичлар бўйича эса иккинчи ўринга сазовор бўлишди.

— Ҳозир асосий диққат-эътибор ўқувчиларнинг ёзги оромгоҳларда кўнгилли дам олишини ташкил этишга қаратилган. Шу мақсадда Бухоро шаҳридаги "Ёшлик", "Гулхан", "Ёш алоқачи", "Мовий гулхан", "Ёш тўқимачи" ва "Ёш қурувчи" болалар оромгоҳларида ҳамда умумтаълим ўрта мактаблари хузуридаги оромгоҳларда тайёргарлик ишлари қизгин олиб бориляпти, — деди пировардида Бухоро шаҳар халқ таълими бўлими мудири.


"Туркистон-пресс"

Ю П Д У З Л А Р САМОДАН СЎЗЛАЙДИ

(24 АПРЕЛДАН-
30 АПРЕЛГАЧА)

ҲАМАЛ. Душанбада соғлиқ учун қайғуринг. Сешанба куни зиддиятлардан нари юрганнингиз маъқул. Чоршанбада сизни алдаб кетишга уринишади. Пайшанбадан янгилик кутинг. Жума хайрли кун. Шанбадаги хариддан кўнглингиз тўлади. Якшанба куни яхши дам олинг.

САВР. Ҳафта бошида саломатликни ўйланг. Сешанбада асабни асранг. Чоршанба куни қувонасиз. Пайшанбада сизни сўроқлашади. Жума ва шанба молиявий аҳволингизни яхшилайдди. Якшанбани оила даврасида ўтказинг.



ЖАВЗО. Душанба куни бойийсиз. Сешанбада соғлигингизни авайланг. Чоршанба куни кўпдан кутаётган хабарингизни эшитасиз. Муҳим ишларни пайшанба ва жумада ҳал қилганингиз маъқул. Якшанба кўнгилдагидек ўтади.

САРАТОН. Ҳафта бошида соғлиқ-кайфиятингиз яхши эмас. Сешанба куни алданиб қолманг. Энг яхши хушхабарларни чоршанба, шанба ва якшанбада эшитасиз. Пайшанба куни сирли учрашув. Ижод учун жумани танлаганингиз фойдали.

АСАД. Душанба куни сизни сўроқлашади. Сешанба ҳамён учун баракали. Чоршанба ва пайшанбада ишлар о'кей. Ҳамкорлар билан битимларни жума куни имзоланг. Шанбада сирли учрашув.

СУНБУЛА. Ҳафта бошидан кўнгироқ кутинг. Ишбилармонлар учун омадли кун — сешанба. Чоршанба молиявий аҳволингизни яхшилайдди. Жума куни яқинингизни кутинг. Ижодкорлар шанбада ижод қилсинлар.

МЕЗОН. Душанбада кайфиятингиз аъло. Сешанба куни зиддиятлардан нари юринг. Чоршанба ижод учун самарали кун. Муҳим ишларни пайшанбага қолдиринг. Жумадан хушхабар кутинг. Шанбадаги хариддан кўнглингиз тўлади. Якшанбада яхши дам олинг.

АҚРАБ. Ҳафта боши зиддиятлардан нари юринг. Сешанбада соғлигингиз яхши эмас. Пайшанба куни қувонасиз. Жумада сизни сўроқлашади. Шанба куни сирли учрашув. Якшанбада қувонасиз.

ҚАВС. Кайфиятингиз душанбада о'кей. Сешанба куни асабни асранг. Чоршанбада муҳим ишларга қўл урмаганингиз маъқул. Ҳафта охирида хушхабар эшитасиз. Якшанба кўнглингизга яқин одамлар билан дийдорлаштиради.

ЖАДЙ. Шанба куни шамоллашдан асранинг. Сешанба тадбиркорлар учун баракали. Чоршанба ва пайшанбада молиявий аҳволингиз яхшиланади. Жума ва шанбада сизни сўроқлашади. Дам олиш кунлари яхши дам олинг.

ДАЛВ. Ҳафта боши кайфиятингиз чаток. Сешанбада қувонасиз. Чоршанба ва шанба кунлари ишларингиз юришади. Жумадан хушхабар кутинг. Дам олиш кунлари сиз учун унутилмас дақиқалар ҳадея этади.

ҲУТ. Душанба ва сешанбада муҳим ишларни ҳал этинг. Чоршанба куни сирли учрашув. Пайшанбада асабийлашманг. Жума кўнгилдагидек ўтади. Дам олиш кунлари табиат қўйнида бўлинг.

САМАРҚАНДЧА "ТОЛЛАР ФЕСТИВАЛИ"

IX миллий чемпионатимизнинг 7-тур баҳслари бундан яққол исботлади. Ўз майдонда "Самарқанд"ни қабул қилган "Андижон" шиддатли ўйин намойиш этсада, "омад кучлиларга кулиб боқади", деган аччиқ ҳақиқат қарор топди. 5-дақиқадаёқ "Андижон" ҳужумчиси Б.Ҳамидуллаев ҳисобни очди 1:0. Биринчи бўлимнинг 30-40 дақиқалари орасида "голлар фестивали" намойиш этилди.

Муаллимонлар ўйини

дики, бу ҳол жамоа мураббийларию ҳакамларни ҳам хайратлантиргани сир эмас. 32-дақиқада М.Мухаммадиев ва 30, 36-дақиқаларда О.Усмонхўжаев тўп муаллифи бўлган бўлса, 35-дақиқада С.Ғофуров ўзини кўрсатди. Кўриниб турибдики, олти дақиқада дарвоза тўрларида 4 тўп. Бунақаси Европа футболда ҳам, камдан кам бўлса керак.

"Трактор"нинг тезлиги сусайиб жамоа ўз майдонида "Дўстлик"ка 1:2 ҳисобида имкониятни бой бериб, 5-ўринга тушиб қолди.

7-тур баҳсларининг таҳлили: Учрашувларда 7400 томошабин бўлди. 35 футболчи огоҳлантирилиб, 3 таси майдондан четлаштирилди. "Нефтчи" — "Зарафшон" учрашувида энг кўп 15000 мухлис ташриф буюрган бўлса, "Сўғдиёна" — "Семург" баҳсини атиги 3000 томошабин кузатганини қандай изоҳлаш мумкин?

8-тур учрашувлари бугун бўлиб ўтади. Гигантлар баҳсида "Нефтчи" мағрур "Самарқанд" ни қабул қилса, "Насаф" — "Навбахор" билан куч синашади.

ИНГЛИЗ ГИГАНТЛАРИ "НОКАУТ" ДА, НАЧОРА...

XIX асрда инглизларнинг энг буюк кашфиёти нима дейишганда, инглизларнинг ўзлари ҳам футбол, деб фахрланади. Ҳўш, асримизнинг охирида оролли ўлка футбол мухлисларда қандай таассурот қолдирмоқда?

Асримизнинг энг сўнгги чемпионлар лигаси чорак финал учрашувларида Англиянинг "Манчестер Юнайтед" жамоалари испан гигантларидан шармандаларча мағлубиятга учраб, инглиз фантларини очикчасига мотам тутишига мажбур этди.

"БАРСЕЛОНА" — "ЧЕЛСИ" 5:1

Ўз майдонидаги дастлабки учрашувда 3:1 ҳисобида ғалаба қозонган инглизлар жавоб учрашувидан хавотир олишмасди. Каталандиядаги жавоб учрашуви ширин орзуларни пучга чиқарди, начора...

"МАНЧЕСТЕР ЮНАЙТЕД" — "РЕАЛ" 2:3

Мадриддаги учрашувда дуранг 0:0 ўйнаган "қизил аждарлар" ўз майдонларида мағлубиятга учраб, Англия премьер лигасининг кучсизлигини тан олишди. Шундай қилиб икки инглиз гиганти "нокаут"да.

"ЛАЦИО" — "ВАЛЕНЦИЯ" 1:0

Испанияда бўлиб ўтган учрашувдаёқ Италия "супер" клубининг тақдири деярли ҳал бўлганда 5:2. Италиялар учун бундан алам-лиси бўлмас керак. Шундан сўнг Испания матбуотида бир гап пайдо бўлди: "Италия ҳукмронлиги тугади, энди навбат Испанияга".

"БАВАРИЯ" — "ПОРТУ" 2:1

Португалияда 1:1 ўйнаган немислар жавоб учрашувда кутилмагандек ғалаба қозониб, ярим финалга йўл олди. Бироқ "Бавария" фирром "МЮ" билан рўбарў бўлмади. Чунки инглизларнинг "супер фирром" чорак финалдаёқ очикчасига синиб қолди.

Ярим финал баҳсларида 3 испан ва 1 немис жамоалари курашни давом эттиришади. Нима бўлганда ҳам испанлар немисларни инглизлар, деб ўйламанликлари лозим. Акс ҳолда инглизлар кулфати ўзларининг бошига тушиши ҳеч гап эмас. Чунки немислар ўтган йилги мағлубиятларини ҳали ҳам унутмаган.

Шухрат ТОЖИЕВ

ЭСКИ-ТУСКИ ОЛАМАН-О-ОВ!

Ўрусиянинг Сороки шаҳрида истиқомат қиладиган Владимирнинг эски-туски олиб омади келди.

Ҳар ким ҳаменига қараб кийинадида. Владимир ҳам чарм куртқа кийиш орзусида кўп юрди. Янги бўлмаса, эскиси-да, дея бир кун арзон моллар дўконига қиради ва 30 долларга бир неча мавсум кийилган чарм куртқа сотиб олади. Уйига келиб "янги" уст-бошни кийиб кўрганга бир энги сал сик-гандай кўринди. Пайпаслаб кўрса, нимадир дўппайиб турибди. Қизиқиши ортан йигит энг чокини сита бошлади. Не кўз билан кўрсинки, астар ичидан кўкарибгина долларлар тушади. Энди Владимир П. мовий орзуси бўлмиш озгина тўтилган машина эмас, мойи артилмаган автомобиль харид қилиш ниятида.

Азиз муштарийларимиз орасида кўйлагини энг сал қисиб турганлари бормикан? Балки...

Муассис:


ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ
«КАМОПОТ» ЖАМФАРМАСИ

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи
Лайло КАРИМОВА
Навбатчи муҳаррир
Гулнора ХОЛБЕКОВА



Таҳририят:

Бош муҳаррир — 133-89-61
Қабулхона — 136-59-38
Хатлар бўлими — 133-79-69



Манзилимиз:

700083 Тошкент Матбуотчилар қўчаси, 32-уй
Таҳририятта юборилган материаллар қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан
фарқланиши мумкин.